

Tarixda yuqumli kasalliklarga qarshi qanday kurashilgan?

# Тарихда юқумли касалликларга қарши қандай курашилган?

*Тарихда турли юқумли касалликлар, жумладан, вабо хасталиги халқлар бошига катта мусибатлар олиб келган. Барча замонда унинг тарқалишини жиловлash осон кечмаган. Бу балони бартараф этишда халқнинг жипслиги, сабр-матонати, шифокорлар тавсияларига тўлиқ амал қилиши муҳим аҳамиятга эга бўлган.*

## Тадқиқ

Юқумли касалликларнинг келиб чиқишини ўрганган ва уларни самарали даволашда катта ютуқларга эришган олимлар фаолияти ҳам ғоятда қадрлидир. Жумладан, Абу Бакр ар-Розий илк бор чечак ва қизамиқни бир-бирдан ажратиб, улар алоҳида касаллик эканлигини аниқлаган табиб ва файласуфдир. У "Вабо ҳақида рисола" ва "Султон Мансурга бағишланган тиб китоби" асарларида вабога кенг ўрин ажратиш билан бир қаторда юқумли касалликларга оид терминларни батафсил таснифлаган. У вабо кучайганда куйидагиларга амал қилишни тавсия этган: танани совуқ, қуруқ, бақувват ва ортиқча чиқиндилардан тоза тутиш, ҳазми енгил овқатларни истеъмол қилиш, тоза ҳаволи жойда яшаш, мизожи иссиқ нарсалардан сақланиш, нафас олиш йўли (бурун)ни тоза сақлаш, нафас олишни яхшилаш. Шунингдек, кўп ухлаш, шароб ичиш, жинсий алоқа ва рўза тутишдан сақланишни тавсия қилган. Уйни сирка билан тозалаб туриш ва тозаловчи хусусиятга эга арман лойидан фойдаланишни маслаҳат беради.

Табобат тарихида биринчи бўлиб Ибн Сино вабо билан ўлатни бир-бирдан фарқлаган, юкум-

ли касалликлар билан оғриган беморларни бошқалардан ажратган ҳолда сақлаш кераклигини таъкидлаган. Улуғ ҳаким вабони даволашда объектив шароитни ҳар томонлама ўрганишга катта аҳамият берди. Атроф-муҳитдаги турли табиий нарсалар, сув, ҳаво, кўзга кўринмайдиган "майда жонзотлар", яъни вируслар орқали касаллик тарқалишига эътибор қаратди. Шу билан бирга, кўпгина юқумли касалликларнинг турли уй жониворлари, ёввойи ҳайвонлар, кемирувчилар ва қушлар орқали ҳамда каналар, пашшалар ва бошқа ҳашаротлардан юқишни аниқлади. У ўзининг "Тадбирда йўл қўйилган ҳар хил хатоларга қарши чора кўриш орқали инсон баданига етишган турли зарарларни йўқотиш" рисоласининг "Вабонинг чорасини кўриш" бўлимида бу касаллик ҳавонинг булғаланишидан пайдо бўлиши, бундай ҳаводан нафас олган инсон қалбининг мизожи ва ундаги ҳаётий руҳнинг мизожи бузилишига олиб келишини айтиб ўтган. Ҳавонинг бузилишига сабаб бўлувчи ёмон буғларнинг тарқалишига шамолни сабаб қилиб кўрсатган. Шамол вабони яхши ҳаволи жойларга ҳайдашини айтади. Олимнинг фикрича, вабо баъзида

инсонга маълум бўлмаган ер остидаги сабаблардан ҳам келиб чиқиши мумкин.

Абу Али ибн Сино битган вабонинг олдини олиш борасидаги тавсиялар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Уларнинг баъзиларини санаб ўтамиз: кўрқув ва ваҳимага тушмаслик, бу ҳолатга тушган кишининг қон таркиби ўзгариб, танани заҳарлайди ва турли хил касалликларнинг пайдо бўлишига олиб келади; гигиена қонун-қоидаларига риоя қилиш; мунтазам жисмоний тарбия билан шуғулланиш; тўғри овқатланиш; жамоат жойларида тўпланмаслик, вақтинча бозорлар ва масжидларни ёпиш; кийимларни сирка сувида тозалаш (дезинфекция); даволовчи шифокор бурнини сирка сувида ботирилган пахта билан тозалаб туриши ва шувоқ барглари-ни чайнаши; пулни сирка сувида ботириб тозалаш ва ҳоказо.

Юқорида биз келтирган маълумотлар шундан далолат берадики, ўзбек халқи азалдан соғлиқни сақлаш, юқумли касалликларга қарши курашиш борасида ўз анъаналари, урф-одатлари ва бой илмий меросга эга бўлиб, бугун бутун дунёга, шу жумладан, Ўзбекистонга ҳам хавф солаётган коронавирус пандемияси каби юқумли касалликларга қарши бирдамликда, мардонавор кураша олади.

**Баҳром АБДУҲАЛИМОВ,**  
**ЎзРФА вице-президенти,**  
**тарих фанлари доктори,**  
**профессор.**